



Муҳтарама Улуғова 1952 йилда Марғилон шаҳрида туғилди. Шаҳардаги 2-ўрта мактабни Олтин медаль билан битиргач, Мирзо Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институти (ҳозирги университет)нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил олди (1968–1972).

Меҳнат фаолиятини 1972 йилда Марғилон шаҳар педагогика билим юртида ўқитувчиликдан бошлаб, кейинчалик “Саодат” журналида бўлим муҳаррири, “Халқ сўзи” газетасида бўлим муҳаррири, бош муҳаррир ўринбосари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида катта муҳаррир вазифаларида хизмат қилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг “Мовароуннаҳр” нашриётида катта муҳаррир сифатида фаолият юритади.

Бўлғуси шоира ўқувчилик йиллариданоқ шеърини машқлари билан туман, вилоят ва республика матбуотида кўрина бошлади. “Бойчечакнинг тушлари” номли биринчи шеърини тўплами 1983 йилда босилиб чиқди. Шундан сўнг унинг “Муҳаббатга тўймасман сира” (1985), “Кунларнинг бағри кенг” (1987), “Эй дилим!” (2008) номли шеърини тўплamlари, Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхонимга бағишланган “Муҳаббат саройида мангу қолганлар” (2005), “Баҳор келди сени сўроқлаб” (2015) номли бадиий-публицистик китоблари нашр этилди.

Муҳтарама Улуғова “Шуҳрат” медали ҳамда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими унвони билан тақдирланган.

*“Ўзбек адиблари” (С. Мирвалиев, Р. Шокирова. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2016) китобидан.*